

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2025, № 3 (11)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2025

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Ильяс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Ишанхужаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймаҳаматович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобокулович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари номзоди, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Азизов Илдар Рафаэлович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Сиддиқов Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Баҳранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жамоат ҳафсизлиги университети
Алиазарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймуҳамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Раҳматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет
Национального Университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib,
Faculty of history of the National
university of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Abdullaev Elbek Abduqahhor o'g'li AMIR TEMURNING 1393 YILGI ERON YURISHI	5
2. Akbarov Ravshan Xalimovich TURKISTONDA JADID MAKTABLARI TARMOG'INING VUJUDGA KELISHIDAGI SHART-SHAROITLAR	13
3. Бобожонов Шавкатжон Улуғбекович “ҚОЗОН ТЎЛДИ” – НАВРЎЗНИНГ БОЎИЙ МАРОСИМИ	21
4. Дусчанов Расулжон Рахимбаевич ЎЗБЕКИСТОН ССР МОЛИЯ ХАЛҚ КОМИССАРЛИГИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ	34
5. Israilov Nodir Rahimjonovich LYUDOVIK XIV NI HAYRATLANTIRGAN SIYMO	41
6. Karimova Nazokat Voxidjon qizi ANTIK DAVR FARG'ONA VODIYSIDA URBANIZATSIYA JARAYONLARINI TARAQQIY ETISHI	47
7. Maxmudova Muazzamxon Sultonmahmudovna AMIR TEMUR VA TEMURIYLAR DAVRI KUTUBXONALARI	53
8. Mo'minov Mironshoh Abdualim o'g'li THE IMPORTANCE OF SUSTAINABILITY: A PATH TO A GREEN FUTURE	61
9. Mubinov Muhammadali Akobirovich BUXORO AMIRLIGI TO'G'RISIDAGI MA'LUMOTLARNING YEVROPA MAMLAKATLARIDA OMMALASHUVI (INGLIZABON MUALLIFLAR ASARLARI ASOSIDA)	70
10. Нишонов Абдурашид Абдурасулович СЕВИНЧХОЖАХОН ХОНАДОНИ ТАРИХИ МЕМУАР АСАРЛАРДА ЁРИТИЛИШИ	84
11. Nishonov Abdurashid Abdurasulovich KELDIMUHAMMAD SULTON HUKMRONLIGI DAVRIDA FARG'ONA VODIYSIDAGI SIYOSIY JARAYONLAR	90
12. Ravshanov O'ktamali Rustam o'g'li BUXORO AMIRLIGI VA ERON MUNOSABATLARI TARIXIDAN	97
13. Raxmanova Odinaxon Ravshanbekovna., Odilov Muhammadqodir Olimjon o'g'li IBN AN-NADIMNING AL-FIHRIST ASARI TARIXIY MANBA SIFATIDA	107
14. Said Irandoust ESTABLISHING WORLD-CLASS RESEARCH UNIVERSITIES	114

Бобожонов Ш. У.

Термиз Давлат университети мустақил тадқиқотчиси, доцент., PhD
 Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети
bobojonovsh2020@gmail.com

“ҚОЗОН ТЎЛДИ” – НАВРЎЗНИНГ БОЎИЙ МАРОСИМИ

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистоннинг тарихий-этнографик воҳаларида йил боши, хурсандчилик ва барака айёми, оби раҳмат куни, қозон қайнаш номлари билан аталган маросим миллий қадриятлар ва анъаналарни ўзида мужассамлаштирган. Маросимда тайёрланадиган таомлар нафақат рамзий хусусиятларни ўзида ифода этган, балки, баҳорий кўкатлардан масалликлар тайёрланиши, қишдан чиққан аҳолига витаминларга бой маҳсулотлардан егуликлар пиширишни назарда тутган. Мақолада Наврўзнинг муҳим маросимларидан бўлган қозон тўлдининг тарихи, этимологияси, воҳаларда ўтказилиш тартиблари, семантикаси, маросим таомлари ва дастурхони тарихий-илмий адабиётлар ва дала тадқиқотлари материаллари асосида илмий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Наврўз, Бобо деҳқон, барака, очил дастурхон, етти хил таом, тухумбарак, товук гўшти, тухум.

КИРИШ

Турон заминиди истиқомат қилган туркий халқлар қадимдан жамоавий ҳолатда яшаб, ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги масалаларни биргаликда ҳал этишган. Мавсум ва тақвим билан боғлиқ маросимларни ҳам баҳамжиҳатликда, қатъий интизом ва ўзаро ҳурмат руҳида ўтказишган. Анъаналарга содиқлик, маънавий ҳаётдаги рамзий хусусиятларини қадим тарихга эга “қозон тўлди” маросимида ҳам кўриш мумкин.

Қозон тўлди маросимидан фарқли ўлароқ “қозон қайнаш” одати ҳам бўлиб, у асосан зиёратгоҳларда ўтказилган. Қурбонлик қилинадиган жонлиқларнинг ранги очикроқ бўлишига эътибор қаратилган. Камдан-кам ҳолларда қурбонликка қора рангли жонивор танланади. Қурбонлик одатда шанба ёки чоршанба куни ташкиллаштирган. Барча гўштар қозонга ташланиб, шўрва пиширилган. Кейин маросим иштирокчиларга тортиқ қилинган. Ушбу маросим “дегжўш” (қозонқайнаш) деб айтилган. Маросим қатнашчилари айрим ҳолларда гўшт бўлагидан уйига ҳам олиб боришиб, оила аъзолари билан бирга баҳам кўришган[9, С.52]. Бўстонлик тумани Нанай қишлоғида тутзор мавжуд бўлиб, бу ерда асрлар давомида ўсиб келаётган улкан тутлар бўлган. Бу жой маҳаллий аҳоли томонидан

“Аззакатимбобо” зиёратгоҳи деб аталиб, оила ёки шахсий муаммо бўлганда шу ерга келиб, қон чиқариб, қозон қайнатиб, эҳсон қилинган. “Шу муаммони ҳал қилсам, Аззакатимбобо қозонини қайнатаман”, деб ният қилган. Ҳозирги кунда улкан тут дарахтлари кесилиб, бу жойда қозон қайнатиш маросими унутилиб кетган[4, Б.138].

Аждодларимизнинг халқига бўлган меҳр-оқибати, ночору фақирларга ёрдами, чексиз саховати ва ҳожатбарорлиги хайру эҳсон маросимларида, ажратилган вақфлар, жамоавий тадбирлар ва йиғинларда намонён бўлган. Жамоавий маросимлар нафақат халқни бирлаштириш, балки уларни хушнуд этиш, муаммоларига ечим топиш ва ҳоказоларга хизмат қилган.

Наврўз байрамини Шарқ халқлари, айниқса, ўлкамиз аҳолиси интиқлик билан кутган. Байрамнинг ажралмас қисми саналган қозон тўлди маросими чуқур эътиқод, мустаҳкам ишонч ва алоҳида тайёрганлик асосида ўтказилган. Амир Темури ва темурийлар даврида Наврўз муносабати билан Самарқанд ва унинг атрофидаги Кониғил, Кўҳак тепалиги, Кешдаги Оқсарой, Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи атрофларида “Қозон тўлди” маросими таомлари соҳибқирон ясагирган қозонларда пиширилган. Шунингдек, Наврўз арафасида Амир Темури ўзи яратган боғларнинг бирига ҳарбий чодирини тикиб, қўшинида хизмат қилаётган жангчи, ҳарбий аскарлар ва фуқаролар ўртасидаги мусобоқаларини ўтказиб бўлгач, дошқозонларда миллий таомларни тайёрлатган. Бундай байрам анъанаси темурий шахзодалар даврида ҳам амалга оширилган[11, Б.23].

Наврўз 21 мартдан 22 мартга ўтар кечаси “Қозон тўлди” удуми билан бошланади. Наврўз баҳор фаслининг энг гўзал байрами саналса, Қозон тўлди маросими байрам дастурхонининг кўрки ва асосий ёрдамчиси ҳисобланган. “Қозон тўлди” соф оилавий удум бўлиб, ҳар бир оила ўзининг иқтисодий аҳволига қараб тансиқ таомлар, кўкатдан пишириқлар, бўғирсоқлар тайёрлайди. “Қозон тўлди” оқшомида тайёрланган таомлар ва пишириқлар кўни-қўшниларга тарқатилган[8, Б.10].

Қозон тўлди оби Раҳмат кечаси сифатида эътироф этилиб, қозонларда энг яхши парранда гўштлари пиширилиши керак бўлган. 14 мартдан 20 мартгача “Оби раҳмат” ҳафталиги бўлиб, бу кунларда Аллоҳнинг изни билан, албатта осмондан раҳмат сувлари ёғилади. Бу сувларни кишилар табарруқ ҳисоблаб, ўрик шарбати, қандобларга улардан қўшишган ва Наврўз куни мана шу шарбатлар дастурхон кўркига кўрк бағишлаган[12, Б.9].

Қозон тўлди маросимин нафақат тарихий манбалар асосида, балки тарихий ретроспектив, этнологиянинг дала кузатувлари, интервью ҳамда визуал антропология методлари асосида ўрганиш мумкин. Маросим

этнологик, антропологик, фольклор, филологик, психологик нуқтаи назардан ўрганиладиган фанларадо тадқиқот объекти ҳисобланади.

Қозон тўлди хусусида Наршахий, Фирдавсий, Махмуд Қошғарий, Беруний асарларида маълумот учратиш мумкин. Маросимнинг ўтказилиши ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўрни хусусида этнолог олимлар К.Шониёзов, А.Аширов, М.Қурбонова, фольклоршунослар О.Сафаров, Д. Ўраева, манбашунос Н. Йўлдошев, Ғ. Раззоқов, К. Рахимов тадқиқотларида қисман тўхтаб ўтилган. Аммо маросим комплекс тарзда этнологик нуқтаи назардан ўрганилмаганлигини кўрсатади.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАР

Мазкур кун қозонлари бошқа кунларга қараганда тўлалиги билан ажралиб турган. Наврўз кuni Бухоро оташпарастилари хўроз қурбонлик қилишни одат қилишган. Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида келтирилишича, Афросиёб ўз куёви Сиёвушни ўлдиргач, Арkning шарқий дарвозадан кираверишдаги “Дарвозаи ғуриён” деб аталган сомонфурушлар дарвозасининг ичкарасида дафн этилган. Шу сабабли Бухоро оташпарастилари ўша жойни азиз тутиб, унга атаб ҳар бир эркак киши ҳар йили наврўз кuni куёш чиқишидан олдин битта хўроз сўйишган[10, Б.28]. Демак, Сиёвуш қабри зиёрат қилиниб, қурбонлик қилинган. Мазкур одат ҳозирги кунда ўзгарган ҳолда сақланган. Наврўзда ҳар бир бухоролик биттадан товук ёки хўроз қурбонлик қилиб, уни паловнинг тагига ётқизганлар. Буни бухороликлар “қозон тўлди” деб аташган. Бу одат XX асрнинг 40-йилларигача бухороликлар орасида кенг тарқалган эди[6, Б.11]. Аммо ҳозирги даврда одатни воҳанинг айрим аҳолиси давом эттирмоқда. Умуман олганда, совет даврида, аниқроғи, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Наврўзни “Қозон тўлди” деб ҳам аташган. Ўтроқ туркийлар бу байрамда етти хил овқат қилишган. Ўлкашунос Мусожон Саиджоновнинг қайд этишича, Бухорода ҳалигача шундай одат бор. Ҳар йили Наврўз кунда хўроз сўйиб нўхат ва майиз солиб палов пишириб қўшниларга улашар, ё бир неча кишини чақириб зиёфат қилишади. Бунинг отини “Қозон тўлди” дерлар[13, Б.21].

Бугунги кунда хўроз қурбонлик қилиш сақланиб қолмаган. Аммо маҳаллий парранда гўштини истеъмол қилишга қатъий амал қилишади. Бухоронинг кўпгина қишлоқларида ўртаҳол оилалар доим ҳам хўроз сўйиб, дабдали дастурхон қилмасида, аммо йилда бир марта қозон тўлдида ўзи учун амалга оширган. Наврўз олдидан Самарқанд ва Бухоро бозорларида катта ҳажмда товук, каклик ва бошқа ёввойи паррандалар савдоси ташкил этилган. Ўрта Осиёнинг кўплаб жойларида Наврўзга арафасида пиширилган турли рангдаги тухумлар савдоси пайдо бўлган[15, С.347].

Ўзбек деҳқонлари Наврўз кириб келишидан олдин еттита тахтага буғдой доналари, арпа, гурунч, жўхори, тарик, жавдар ва бошқаларни сепиб, ҳар куни устидан сув қуйган. Қозон тўлди кунида уруғлардан у ёки буниси қай даража униб чиқаётганлига қараб, жорий йил қайси дон экинлари кўп бўлишини башорат қилишган[14, С.447]. Деҳқонлар байрам дастурхони зироатчилик неъматлари билан тўлса, чорвадорларнинг дастурхонида гўшт ва сут-қатик маҳсулотлари кўпроқ бўлган.

Қозон тўлди маросими аҳолининг бирдамлиги, бир бирига бўлган меҳр-оқибати, одамийликни намоён этган. Аҳоли Аллоҳ бизга байрам берди деб дастурхон тузаган. Меҳмонлар йўлига интизор бўлинган. Хонадонга ташриф буюрадиганлар байрам куни тўйиб овқатланиши учун қозонларни тўлдириб таомлар пиширилган. Қўшнилари бир бирига овқатлар олиб чиқиб, ҳолидан хабар олган. Товоқлар алмашса хонадонда оқибат кўпаяди, оила жипс бўлади, қадриятига амал қилинган. Қозондаги таом меҳмонларга аталгани боис, кимнинг уйига борилса, улямай танновул қилинган. Воҳа тожиклари орасида муомаладаги “*дегу табақам дига*” (қозон товоғим бошқа) иборасини йўқотиш, қариндошларни жипслаштириш мақсадида ҳам маросим ўтказилган.

Наврўзда тўкин дастурхон тузатиш, “қозон тўлди” қилиб, ранг-баранг ширин таомлар тайёрлаш халқнинг тўкинчилик ва фаровон ҳаёт ҳақидаги идеаллари билан боғлиқ бўлган. Наврўз кўшиқларининг бирида у ҳақида шундай дейилган:

*Қалдирғоч қайиб учар,
Қанотин ёйиб учар.
Наврўзда қозон тўлса,
Элимизни бахт қучар[17, Б.6].*

Айрим хонадон соҳиблари уч кечаю кундуз яхши овқатлар, яъни, биринчи кеча халвойитар, иккинчи кеча тухумбарак, учинчи кун эса ҳалим қилинган. Ҳолвайитар асосан болалар учун ширинлик сифатида тайёрланган. Ҳовайитар билан бирга нишолда маросим дастурхонининг асосий шифобахш ширинлиги ҳисобланган. Дастурхонга ширинликлар тортиб, ҳаётимиз ширин кунларга бой бўлсин, йил давомида ўйин кулгулар ҳамроҳ бўлсин, дея ниятлар қилинган. Маросим дастурхони уч кун очик туриб, келганларга луфт кўрсатилган. Бухоро эронийлари етти кун қозон тўлди қилиб, дастурхони очик турган. Маросим кунларида ўлчов бўлмай, исталганча хилма хил овқатлар пиширилган.

Маросим Ўзбекистоннинг тарихий этнографик воҳаларида турлича номлар билан, Хоразмда “*қозон тўлдирди*”, Нуротада “*қозон тўлдир*”,

Гиждувонда “қозон сузимик”, Қоровулбозор тумани туркманларида эса “қозон дўлди” деб юритилган.

Маросим Наврўз кунлари ёки унинг келиши олдидан, 20-21-22 март кунлари ташкил этилган. XIX асрнинг 90 йилларига қадар маросим Бухоро шаҳрида ҳам доимий равишда ўтказиб келинган. Асосан, мучалини нишонлаётган хонадон вакиллари эҳсон тариқасида қозон тўлди қилган. Кексалар мучаллик киши бўлмаса ҳам қозон тўлдини ўтказишга даъват этишган. Тансиқ таомларни меҳр-муҳаббат билан тайёрлаш билан бирга, ёруғ оламдан ўтиб кетган аجدодлар руҳига атаб ис чиқарилган[2, Б.87]. Ис чиқаришда қозондаги мой яхшилаб қизитилгандан сўнг унга хамир ташланган. Гўё шу мой қизишидан марҳумларнинг руҳлари шод бўлиб, ўз қариндош-уруғларига омад тилар экан, сингари тасаввур сақланган[1, Б.132]. Марҳумларнинг ҳаққига чиқарилган ис, бўғирсоқ ва қатламалар қўшниларга тарқатилган[21]. Шунингдек, Бободехқон ҳаққига ис чиқарилган. Эртаси куни ис (бўғирсоқ) пиширишдан қолган ёғ билан қўшга қўшиладиган хўкизларнинг шохлари мойланган[16].

Воҳанинг Олот туманида Наврўз байрами кунда Жумабозор, Боғқишлоқ, Кесакли, Татаркўча, Шайхлар қишлоқларида қозонимиз ҳамиша тўла бўлсин деб хонадонлар кўчқор, қорамол сўйиб қозон тўлди қилишади. Маросим бир ҳафта давом этиб, ҳар куни 16 та хонадон томонидан ўтказилади. Навбат билан маросим соҳиблари хонадонларига кириб бориш одат тусига кирган. Агар қишлоқ аҳолиси бирлашиб, маросимни ўтказса, унда эломон оши худойиси сифатида ташкил этилади[22].

Қадимдан ҳар бир хонадон Наврўзни очил дастурхон, тўла қозонлар билан кутиб олиш хонадонда йил давомида қут барака, тўкинлик олиб келишига ишонишган. Фақир оилалар уйида мавжуд масаликлар билан қозон солишган. Ўрта ҳол хонадон соҳиблари *пиёзоба**, *ғўлингшўрбо*** (ўрик қоқи шўрваси), *ғўлун пиёба*, *нонбуз**** (нон шалак), *майда қайиш*, *чучвараи шўраи*, *чучвараи алафи* (кўкатлардан чучвара) таомларини тайёрлаб Наврўзни қарши олган. Умуман қозон ила олмайдиган оилалар “Дега да об партофтаги” (қозонимиз сувга ташланган, яъни қозон ўчоқда эмас) иборасини қўллашган. Имконияти етмаганидан қозон ўчоқ устида, иссиқ жойда эмас, балки фойдаланилмай совуқликда турибти маъносини англатган.

Қозон тўлди маросимида пишириладиган ҳар бир таом маълум рамзий хусусиятга эга бўлган. Аҳоли турли ниятлар ва ишонч билан таомлар

**Пиёзоба* – сув, пиёз, туз, икки қошиқ ёғ солиб тайёрлашган фақирона таом.

***Ўғлингшўрбо* – 2 қошиқ ёғ, пиёз козуриб, ўғлинг, туз, сув солиб тайёрланган.

*** *Нонбуз* (ноншалак) – қотган нонларни исров қилмаслик учун, помидор, сув, ёғ, туғ солиб, нонни шал, яъни юмшоқ ҳолда пишириладиган таом.

тайёрлашган. Маросим учун одатда хамирли овқатлар ва сувда пишадиган таомлар бўлишига эътибор қаратилган. Вобкентнинг Чармгарон маҳалласида маросим учун ичи тўлиб пишадиган таом *тухумбарак* ва кўпайиш, кўпчиликни англатувчи *гўшти* ёки *кўк чучвара* (*тугунвора*****) тайёрланади[23]. *Варақи сомса*, *кўк сомса*, *ҳолваларнинг ёғли*, *сочли* ва *гардишли* турлари дастурхонга тортилади. Воҳанинг Ромитан тумани Боғи туркон маҳалласи ва Вобкент тумани Қалти қишлоғида ҳолвагарлар сулоласи давом этиб келмоқда. Айни шу кунда кимнинг хонадонига янги келин келган бўлса, таом билан йўқланади[24]. Жондор туманида асосан кўпчилик ва баракани ифодаловчи чучвара ва инсонларнинг умри узун бўлиши ният қилиниб, *қайиш* (*шилпилдоқ* - Ш.Б.) таомлари пиширилади[25]. Пешку туманида эркаклар тановвул қиладиган, қайишдан нисбатан каттароқ *лахчак* тайёрланган.

Маросим дастурхонида асосий таомлардан ташқари *барак* (*кўк ўтдан қовуриб тайёрланган чучвара*), *бичак* (*кўк ўтли сомса*), *татиран* (*ўсимлик танасидан тайёрланган*), *қоқи*, *юпқа* (*қуймоқ*), *куча оши*, *ун оши*, *гўжа*, *кесган ош*, *кулчатой*, *қатлама*, *гилминди*, *ширвоз кабоби* кабилар ўрин олган[18, Б.78]. Нонларнинг *қовоқли*, *пиёзли*, *жиззали* ва *ширмой кулча* турлари маросим дастурхонини беаб турган. Айниқса, қовоқ нонда хамир қовоқ суви билан қорилиши ва ичига майдаланган қовоқ солиниши билан мазали чиққан.

Дастурхонда *барак*, *чўзма лағмон* ва *ўмоч* ҳам тортилган. Тайёрланган таомлардан яқин қариндошларга *ёқлов оши* сифатида тарқатиб чиқилган[26]. Бухоро шахрининг Мухтор Ашрафий маҳалласида Оямуллои жонакам (тождилга отин ойи, Раҳима ая) бошчилигида ўмоч қилиниб, бева-бечораларга тарқатилган. Сентябрь ойида эса ер ўчоқда *сутли ўмоч* қилинган[27]. Бухоро воҳаси аҳоли орасида таомлар билан боғлиқ эътиқодий қарашлар шаклланган. Масалан, Ёждувон туманида маросимда лағмон пиширилмаслигига қатъий амал қилиб, уларнинг тасаввурида узун хамир бўлакларидан иборат таом хонадонга илонлар кўпайишига сабаб бўлади. Шунинг учун чўнтагимиз пулга тўлиб юрсин деб, кўпинча тухумбарак пиширилган. Таомнинг халтачага ўхшаш хамир бўлақларини чўнтакка, яъни қопчага танга пулларни солишга қиёслашган[28]. Тухумбаракни тайёрлашга тухум, сут, ун билан бирга турли хилдаги ёғлар солинган. Масалан, Навоийда сариқёғ, Шофирконда зиғир ёки чигит ёғи, бошқа ҳудудларда кунгабоқар ёғидан фойдаланилган. Тухумбарак Хоразм воҳасида ойсимон, Бухоро воҳасида тўртбурчак шаклда тайёрланган.

*****Тугунвора* – форсча, тугунга ўхшаш маъносини англатади.

Бухоро воҳасининг айрим қишлоқларида қозон тўлди дастурхонида *декчаспон*, *қотур*, *халвойи жиқ-жиқа* каби егуликлар албатта ўрин олган. *Декчаспон* таомида хамир ёйилиб тўртбурчак шаклида кесилгач, ичига семиз ўти ва пиёздан иборат қийма солинади. Кейин букилиб, қизиб турган қозонга ёғсиз пишириб олинади. Дармондори таом сифатида севиб тановвул қилинади. *Қотур* ҳам унутилаётган таомлардан бири бўлиб, унда тиндириб қўйилган хамир юпка ҳолатда ёйилиб, унга эритилган сарикёғ суртилади. Ўраб қатлама ҳолига келтирилгач, қизиб турган қозонга солиб ёғсиз икки томони қиздириб пиширилади. *Халвойи жиқ-жиқа* қадимий ширинликлардан бўлиб, сарикёғда пишгани учун шундай номланган. Қизиб турган сарикёғда ун қовурилиб, шакар солинган. Тайёр бўлгач, ичи ёки устига майдаланган ёнғоқ солинган.

Эрта баҳорда инсон организмида витаминлар танқислиги вужудга келиши, унинг оқибатида турли касалликлар келиб чиқмаслиги учун халқимиз кўкатлар, буғдой ва тухумдан фойдали ва шифобахш таомлар тайёрлашга эътибор қаратишган. *Ўлун пиёба* таоми юрак касалликларига даво саналади. Таом учун қозонга ёғ солиниб, савзавотлар қовурилади, устидан сув билан бирга туршак солинади. Оддийгина масалликлардан тайёрлансада, аммо, фойдали емак сифатида истеъмол қилинади. *Ширкаду* таоми ҳам йўтал ва шамоллашларга даво бўлиб, қозонга сут қайнатиб, ичига тўртбурчак шаклидаги қовоқ бўлақларини солиш натижасида тайёрланади. Қовоқлари эзилмасдан сузиб олинган таом ичига қиш маҳали сарикёғ солинади. Навоий вилоятида оқ жўхоридан *гўжа* ва *ярма* таоми қилинган[29]. Деҳибаланд қишлоғида маросим жамоавий тарзида ўтказилиб, хонадонлар овқатлар қилиб чиқишган. Натижада 40-50 хил таомлар ва масалликлар дастурхонга тортилган. Пешкунинг айрим қишлоқларида ҳам маросим таомини 2-3 хонадон бирлашиб тайёрлашган[30].

Жондор туманида қизиб турган қозонларда қилинадиган *ёғсиз бичаклар*, *қозон патир* (*қотирма патир*), *қовурма чучваралар* маросим дастурхонинг асосий таомлари ҳисобланган[31]. Хоразмда “қозон дўлди” учун *биринч палов*, Қоровулбозор тумани туркманларида эса уларнинг анъанавий ошхонаси таоми *ишлекли* пиширилган. Ишлекли юпка хамир ичига гўшт, сабзавот аралашмаси солиниб тайёрланган пирог бўлиб, одатда пиззага қиёсланган. Таом одатда фахрий меҳмонлар учун қилиниб, қиймаси кўпинча кўзи гўшtidан қилинган. Туркман момолари тайёрлаган *семени* (*сумалак*), *дограма*, *пишме* каби миллий таомлар маросим дастурхонини безаган. Афғонлар “*ҳафт син*” яъни син ҳарфи билан бошланувчи *етти хил таом* тайёрлаб дастурхонга тортишган.

Қорақалпоқларда ушбу кунда тайёрланадиган севимли байрам таоми “Наврўз гўжаси” деб аталган. Бу таом етти хил дондан тайёрланади. Ҳар бир хонадонда шундай таом пиширилиб, қўни-қўшниларга, овулдошларга тарқатилган. “Наврўз гўжаси”дан тотиб, йилнинг барокатли бўлишини тилаганлар. Қозокларда бўйи етган қизлар ушбу кунда йигитларга атаб “*уйқи ошар*” деган лаззатли таомини пишириб, улардан совға олишган. Дошқозонларда *бешбармоқ* пирилиб, дастурхонга тортилган[3, Б.3]. Бухоро воҳаси лўлилари Наврўз байрамларида нишонланадиган қозон тўлди маросимини уйга баракат келсин, қозоним мойли бўлсин, деган мақсадда ўтказиб келади. Сумалак ёки ҳалиса пиширилиш вақтида алоҳида бир қозонга мош, ловия, туршак, гўшт, майда хамир каби бир қанча махсулотлар солиниб, қозон тўлдирилиб таом тайёрланади[19, Б.124-125].

Бухоро воҳасининг Қорақўл тумани Жиғачи қишоғида наврўз арафасида ўрик туршагини қайнатилган сувга ивитиб, махсус шарбат тайёрланган. “Қозон тўлди” окшомида ҳар бир хонадон дастурхонини ўрик туршагининг шарбати, бўғирсоқ ва кўк сомсалар безатиб турса, келаётган янги йилнинг ҳосили мўл бўлади, деб умид қилишган. Одамлар “қишдан қутулиб, кўкламга етишдик, илоҳим тўрт мучамиз бутун бўлсин, бу йил ҳам боғларимиз мевага мўл бўлсин, экинимизга Бобо деҳқон назар қилсин”, деб ўрик шарбатини навбатма навбат ичишган. Шунингдек, Қорақўл туманининг Қуввача қишлоғида “қозон тўлди” куни барча идишлар ун, буғдой, сувга тўлдириб қўйилган ва етти хил овқат пиширилган. Айтишларича, беҳиштнинг етти эшиги бўлиб, кимки “қозон тўлди” куни етти хил таом пиширса охиратда ўша одамга жаннатнинг етти эшиги очилар эмиш[5, Б.94].

Маросимнинг асосий таоми тухумбаракни тайёрлаш учун одатда 10 дона тухум керак бўлган. Қадимда шунга ҳам имконияти етмаганлар кўк чучварани қайнатиб олишган. Шунинг ҳам қила олмаганлар, қозонлар, челақлар ва бошқа идишларни сув билан тўлдириб қўйишган. Халқ қарашларига кўра, сув тўлдирилган идишларга Тангрининг марҳмати билан қут-барақа бўлади, деб тасаввур қилинган.

Ромитан туманида маросимда ҳалим таоми пиширилади. Маҳалла аҳолиси маросим таомига кетадиган масаллиқларни имкони етгунга қадар келтиришган. Маросимни Ромитаннинг Хоса қишлоғида Хўжа масжиди олдидаги майдонида ўтказиш одатга айланган. Ҳар йили 2-3 қозон ҳалим пиширилади. Асосан маҳалланинг бадавлат кишилари, ҳомийлари томонидан амалга оширилади. Агар қайсидир йилда ҳалим қилинмаса, аҳолини ўзи пул йиғиб ташкил этишади. Пул йиғилаётган пайтда маросим жойи ва вақти ҳам эълон қилинади. Одатда пул терилгач оқсоқоллар қайси таом пиширилишини

маслаҳат қилишади[32]. Марзия^{*****} қишлоғида мусибатлар кўпайса эҳсон худойи қилинган. Ҳамма хонадонида мавжуд масаллиқлардан беришган. Иккита қозонда пиширилган таомнинг бири маросимга келганлар учун, иккинчиси келолмаганлар ва бошқаларга тарқатилган. Маросимга кўшни Пойжўй, Қоқиштувон қишлоқ аҳолиси ҳам келиб қатнашган[33]. Кўпчилик иштирок этадиган маросимларда катта қозонларда таомлар тайёрланган.

Қадимий қозонлар айниқса, дошқозонлар муқаддас ҳисобланиб, уларда тангриларга уюштирилган қурбонлик таомлари пиширилган. Халқ катта қозон тўлатиб, таом пишадиган тантаналарни қувонч билан қаршилаган. Катта қозонлар ҳамма вақт эмас, алоҳида маросимларда, умумхалқ байрамларда ишлатилгани учун азиз саналган. Қадимдан аجدодларимиз бир қозондан таом еган кишилар қариндошдек бўлиб қолишига, яъни биргаликда ейилган таомнинг магик кучига ишонишган[5, Б.98]. Азалдан туркий халқларда қозон – оиланинг бирлиги ҳисобланган. Ҳозирда ҳам туркий тилли халқларда “қозонини бошқа қилиб қўйдим” дегани оиласи бўлак бўлганлигини билдирса, аксинча, қозонимиз бир дегани оиланинг бир эканлиги борасидаги маънони беради[20, Б.343].

Маросим қозонлари эл-юртнинг оғизбирчилиги, бирдамлик ва фаровонликка хизмат қилган. Чунки қозонлар тўлиши мўл ҳосил тимсоли, мўл-кўлчилик, барака белгиси ҳисобланган. Ҳозирга вақтда ҳам қозон муқаддас бўлиб, қишлоқларда айрим савобталаб кишилар, фарзандсиз оилалар катта қозон сотиб олиб, тўй-маъракалар, байрам тантаналари учун бериб қўйиш одати сақланган[16]. Хоразм воҳаси аёл-қизлари ва келинлари орасида қозонлар тунда “Маккага бориб ризқ олиб келиши” билан боғлиқ тасаввурлар[7, Б.252] бугунги кунгача давом этаётгани унинг муқаддас анжом бўлишига хизмат қилган.

Бухоронинг айрим маҳалларида товук гўштидан ош тайёрланган. Маросим учун яхши товук танланиб, хонадон соҳиблари томонидан сўйилиб, тозаланиб қозонга солинган. Гуруч кўпайишни ифодаласа, товук етти хазинанинг бири, тухум эса бойлик рамзи сифатида қабул қилинган. Нуроталиклар аччиқ бодом калорияга бойлиги сабаб, маросимда бодом оши ҳамда жўғори гўжа таомларини пиширишган[34]. Бухорода Наврўз кириб келмагунча қозондан овқат сузилмаслигига қатъий риоя этилган. Байрамни тўкин дастурхон, ичи тўла қозонлар билан бошлаш ният қилинган. Шарқона янги йил кириб келгач, анъанавий таомлар билан бирга ўмоч, шўрва дастурхонга тортилган. Меҳмонлар учун кўзачаларда қовурдоқлар сақланган.

*****Марзия - экинлари кўп қишлоқ маъносини англатади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, асрлар оша қозон тўлди маросими меҳр-оқибат, соҳоват, бирдамлик, баҳамжиҳатлик, жамоавийлик, қўни-қўшничилик, кариндошчилик каби қадриятларни ўзида сақлаб келмоқда. Янги йилни хуш кайфият, тўкинлик ва ободлик билан қарши олиш маросимнинг рамзий элементларида ўз аксини топган. Халқимиз ниятлар қилиб, имконияти етганча тансиқ таомлар тайёрлаб, тўкин дастурхон тузаган. Шарқона янги йилни қарши олиш билан боғлиқ қадимий ишонч ва тасаввурлар яхши сақланиб қолган. Маросимда бажариладиган ҳар бир босқич йилнинг баракали келишига қаратилгани билан эътиборга моликдир.

Маросим Ўзбекистон воҳаларида, турли миллатлар томонидан хилма-хил ўтказилсада, аммо асосий мазмун-моҳияти – тарбиявий, руҳий, шифобахшлик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган. Маросим халқимиз эътиқодида мустаҳкам ўрнашиб олган экан, унинг билан боғлиқ қадриятлар авлодга авлодга безавол етиб бораверади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. – Б.132. (276)
2. Аширов А. Ўзбек маданиятида сув. – Тошкент: Akademnashr, 2020. – Б.87.
3. Жабборов Р. Эзгулик тантанаси // Ўзбекистон овози. 2025 йил, 19 март. №11. 3-бет.
4. Жумаева Ш. Тошкент вилояти зиёратгоҳлари: ривожланиш босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари: тарих фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент, 2022. – Б.138.
5. Жўраев М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.94.
6. Йўлдошев Н. Бухоро авлиёларининг тарихи. – Бухоро: Бухоро, 1997. – Б.11.
7. Маткаримова С. Хоразм ўзбекларининг анъанавий овқатланиши: Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Урганч, 2021. – Б.252.
8. Мирзаев Т. Наврўз. – Тошкент: Фан, 1992. – Б.10.
9. Муродов О. Древние образы мифологии у таджиков долины Зеравшана (Ответ.редакторы: О.А.Сухарева, Н.Н.Ершов). – Душ:Дониш, 1979. – С.52.
10. Наршахий М. Бухоро тарихи. – Тошкент: Шарқ баёзи, 1993. – Б.28.

11. Раджабов А. Амир Темур даврида Наврўз байрами // Ватанпарвар. 2025 йил, 21 март. №12. 23-бет.
12. Раззоқов Ғ., Рахимов К. Манбаларда Наврўз васфи // Бугунги Ўзбекистон. 2025 йил, 20 март. № 5-6. 9-бет.
13. Саиджонов М. Бухоро шаҳри ва унинг эски бинолари / таржима Х.Тўраев. – Тошкент, 2005. – Б.21.
14. Узбеки / отв.ред.З.Х.Арифханова, С.Н.Абашин, Д.А.Алимова; Ин-т этнологии и антропологии им. Н.Н.Миклухо-Маклая РАН; Ин-т истории АН Республики Узбекистан. – Москва: Наука,2011.– С.447.(688 с).
15. Шишов А. Таджики. – Ташкент: Тпография “Туркестанского Т-на печатного дела”, 1910. – С.347.
16. Эргашев А. Яхшилик ёмонликнинг устидан ғолиб чиққан муқаддас сана / <http://m.qashqadaryogz.uz>. 18.03.22 (мурожаат этилган сана 16.03.2025).
17. Ўраева Д. Наврўзда қозон тўлса... // Янги Ўзбекистон. 2025 йил, 19 март. № 55. 6-бет.
18. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б.78.
19. Қорёғдиев З. Бухоро лўлиларининг ижтимоий ҳаёти ва маданияти: тарих фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент, 2021. – Б.124-125.
20. Қудратов С., Сулайманов Ҳ. Туркий халқларнинг илк ватани борасида айрим мулоҳазалар // “Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (қадимги даврдан ҳозирги кунгача)”. Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Жиззах, 2020. – Б.343. (342-344)
21. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти. Бухоро шаҳри. 2024 йил декабр.
22. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Олот тумани. 2024 йил май.
23. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Шофиркон тумани, Денов қишлоғи. 2024 йил май.
24. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Вобкент тумани, Чармгарон маҳалласи. 2024 йил декабр.
25. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Жондор тумани, Навгари маҳалласи. 2024 йил декабр.
26. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Пешку тумани, Шодлик кўчаси. 2024 йил декабр.
27. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти. Бухоро шаҳри, Мухтор Ашрафий маҳалласи. 2024 йил декабр.
28. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани, Зарангари қишлоғи. 2024 йил декабр.
29. Дала ёзувлари. Навоий вилояти. Навбахор тумани, Арабхона қишлоғи. 2024 йил декабр.

30. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти. Пешку тумани, Хуррам қишлоғи. 2024 йил декабр.

31. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти. Жондор тумани, Хуррам маҳалласи. 2024 йил декабр.

32. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Хоса қишлоғи. 2024 йил май.

33. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Марзия қишлоғи. 2024 йил май.

34. Дала ёзувлари. Навоий вилояти, Нурота тумани, Темир қобик қишлоғи. 2024 йил март.

Бобожонов Ш. У.

Независимый исследователь Термезского государственного университета, доцент., PhD
Ташкентский государственный университет педагогики имени Низами
bobojonovsh2020@gmail.com

“КАЗАН ТУЛДИ” – ВЕЧНЫЙ ОБРЯД НАВРУЗА

АННОТАЦИЯ

В историко-этнографических оазисах Узбекистана обряд, названный в честь начала года, дня радости и благословения, дня благодарности, варки котла, воплощает национальные ценности и традиции. Приготовленные на церемонии блюда не только выражали символические особенности, но и включали в себя приготовление ингредиентов из весенней зелени и приготовление пищи из богатых витаминами продуктов для людей, выходящих из зимы. В статье на основе историко-научной литературы и материалов полевых исследований научно анализируются история, этимология, нравы, семантика, ритуальная еда и стол “казан тулди”, одного из важных обрядов Навруза.

Ключевые слова: Навруз, Баба дехкан, благословение, полный стол, семь блюд, яичный барак, куриное мясо, яйца.

Bobojonov Sh. U.

Independent researcher at the Termiz state university, associate professor., PhD
Tashkent State pedagogical university named after Nizami
bobojonovsh2020@gmail.com

KAZAN TULDI - THE ETERNAL RITUAL OF NAVRUZ

ABSTRACT

In the historical and ethnographic oases of Uzbekistan, the ritual, named in honor of the beginning of the year, the day of joy and blessing, the day of gratitude, the boiling of the cauldron, embodies national values and traditions. The dishes prepared at the ceremony not only expressed symbolic features, but also included the preparation of ingredients from spring greens and the preparation of food from vitamin-rich foods for people emerging from winter. The article, based on historical and scientific literature and field research materials, scientifically analyzes the history, etymology, customs, semantics, ritual food and the table “kazan tuldi”, one of the important rites of Navruz.

Key words: Navruz, Baba dehkan, blessing, full table, seven dishes, egg barak, chicken meat, eggs.